

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГРЕКЛАРНИНГ – МИЛЛАТЛАРАРО БАРҚАРОРЛИКДАГИ ЎРНИ

Ж.Н. Абдурахманова
т.ф.н.

Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудида грекларнинг кўчиб келиши, маданияти, урф-одатлари ҳақида сўз боради. Булар натижасида мамлакатда грек ҳалқлари диаспорасининг шаклланганлиги баён қилинади.

Калит сўзлар: грек, миллатлараро тотувлик, диаспора, урф-одат, маросим, ўрта асрлар, барқарорлик, миллий ўзлик, миллий марказ.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди тарихнинг энг қадимги давридан бошлаб, турли миллат ва ҳалқларнинг яшаши учун қулай минтақа бўлиб келган. Бу ҳақда қадимги моддий ва номоддий маданиятимиз ҳам гувоҳлик беради.

Хусусан, икки дарё оралиги ҳисобланган Ўзбекистон заминида ғарбда жойлашган грек ҳалқларининг яшаб келиши ҳам узоқ тарихга бориб тақалади. Шу жойда греклар ҳақида маълумот бериб, сўнгра уларнинг мамлакатдаги ҳаёти ҳақида тўхталиб ўтсак. Шунда, маълум бўладики;

Греклар (эллинлар) – эрамиздан аввалги 1 минг йилликда Европанинг жануби-шарқий қисмида шаклланган ҳалқ ҳисобланиб, ҳозирги вақтда Греция ва Кипрнинг асосий аҳолисини ташкил этади.

Умумий сони 12,5 млн. киши (1990 йиллар ўрталари). Жумладан Грецияда 9,7 млн. киши, Кипрда 570 МИНГ киши, АҚШда 550 минг киши, Германияда 300 минг киши, Канадада 150 минг киши, Россия Федерациясида 92 минг киши ва ҳ.к. Грек (янги грек) тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан православлар.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 1500 га яқин, Кўқон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида 200 га яқин грек миллатига мансуб аҳоли яшайди.

Грекларнинг этник тарихи ва Ўзбекистонга кириб келиши

Қадимги Ўрта Осиё заминида грекларнинг пайдо бўлиши ҳақида грек тарихчиларининг ёзма манбалари гувоҳлик беради, бу маълумотларни моддий маданият ёдгорликлари ҳам тасдиқлайди. Грекларнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши эрамиздан ав. IV асрда Александр Македонскийнинг юришлари билан боғлиқ. Александр Македонскийнинг қўшини таркибидаги бир неча минг эллинлар (греклар) юртимизга келиб, кейинчалик ўтроқ ҳолда яшай

бошлаганлар. Александр вафот этганда (милоддан аввалги 323 йил), унинг давлати таркибида Болқон ярим ороли, Эгей дengизидаги ороллар, Кичик ва Ғарбий Осиё, Миср, Марказий Осиёning бир қисми бор эди. Ўрта Осиёда мил. ав. 250-125 йилларда Грек-Бақтрия давлати мавжуд бўлган.

Амир Темур ўз хукмронлиги даврида салтанат худудидаги христиан динига эътиқод қилувчи кўпдан-кўп аҳоли табақаларини мусулмонлар каби эркин яшашлари, ўз динлари ва эътиқодларига эркин сифинишлари учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилган. Жумладан, Ибн Арабшоҳ маълумотларидан келиб чиқсан хulosаларни Амир Темур саройига 1403-1406 йилларда келган Кастилия (Испания) қироли Энрикэ III (1390-1407 йй) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ёзиб қолдирган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Унинг 1406 йилда ўз ватани – Испанияга қайтгандан кейин чоп этилган “Самарқандга Темурбек саройига саёҳат қундалиги” асарида Амир Темур давлатида христиан динининг яковитлар, грек католиклари, несторианлар, арман григорян черковига эътиқод қилувчиларнинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришлари билан боғлиқ маълумотлар ёзиб қолдирилган.

1790 йилда Новопатрасский митрополити грек Хрисанф миссионерлик мақсадида кўп давлатлар қаторида Бухоро ва Хивага саёҳатга борганлигини қайд этади.

Қўқон шаҳрида Фарғона водийсидаги энг йирик Гренаж заводи (1899 й.) эгалари ака-ука Мандалакиларнинг 2 та ҳашаматли уйи (1904 йилда қурилган) сақланиб қолган. Бу уйлар қадимги грекча услубда ишланган. Янги Марғilonдаги Гренаж заводи ҳам грек тадбиркори Евтихидига тегишли бўлган.

1922 йилда Туркистон ўлкасида яшовчи грек фуқароларига Ёрдам кўрсатиш иттифоқи (жамияти) тузилди.

XX аср бошларида Туркистондаги грек диаспораси олти юздан минггacha кишини ташкил етган. Самарқандда асосан турли хил кичик хизматчилар яшаган, 1925 йилда бу шаҳарда грек миллатига мансуб 43 та, Каттакўрғонда 9 киши яшаган.

1944 йил май-июнь ойларида Қrimдан кўплаб халқлар, шу жумладан греклар ҳам мажбурий равишда қўчирилиб, Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятига жойлаштирилди.

1949 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистондаги греклар сони Грециялик сиёсий муҳожирлар ҳисобига тўлдирилди. 1946-1949 йиллар Грек сиёсий муҳожирларидан 12 мингга яқини Ўзбекистонга олиб келиб жойлаштирилган. Грек сиёсий муҳожирларининг Ўзбекистонга келиши билан грекларнинг газетаси “Прос ти Ники” (“Фалаба учун”) нашр этила бошланди, 1959 йилдан газета “Неос Дромос” (“Янги йўл”) номида чоп этила бошлади.

1964 йили Тошкентда Грек сиёсий мұхожирлари жамияти ташкил этилди. 1974 йилда грекларнинг асосий яшаш жойлари: Тошкент, Чирчик, Фарғона водийси, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари эди, айнан шу йилдан бошлаб грекларни ватанига қайтариш (репатриация) бошланди. 1990 йилларнинг ўрталарига қадар күпчилик грек мұхожирлари оиласлари билан бирга тарихий ватанлари Грецияга қайтиб кетиши.

Ўзбекистон греклари тарихи ва маданиятининг ўрганилиши

Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги халқлар, хусусан, грекларнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши, Грек Бақтрия давлати, тарихи маданияти ҳақидаги маълумотларни Э.В.Ртвеладзе Б.Г. Гафуров, Л.И. Мирошников В. А. Козьмина сингари олимларни асаллар ва илмий тўпламларда учратиш мумкин. Лекин Ўрта Осиё греклари этнографияси деярли ўрганилмаган.

Ўзбекистон грекларни миллий ўзликни англаши;

1917 йил сентябрда Тошкент шаҳрида Платон номидаги ихтисослаштирилган мактаб очилиб, бу ерда грекистон тили, географияси ва тарихини чуқур ўрганишга катта эътибор берилди. 1917 йил охирида Тошкентда яшаган россиялик, грециялик ва туркиялик греклар ижтимоий мавқеидан қатъи назар битта жамоага бирлашдилар. Ҳайъат таркиби: Х.С. Шахбазиди (раис), М.Д. Попандопуло (раис муовини), К. Ригас (хазиначи), И. П. Сарианиди (котиб), А. Холматиди, Ч.А. Триандафилиди ва бошқалар киради. Худди шу йили маҳаллий грек жамоаси янги ташкил этилган эллинларнинг Бутунrossия Иттифоқига қўшилди, асосий мақсад грек ватандошларини ўз сафига жалб қилишдан иборат эди.

Грек маданий маркази доирасида она тили ва миллий маданий анъаналарни сақлашга қаратилган ишлар давом этиб келмоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида ҳашар йўли билан қурилган маданий марказ биносида бугунги кунда турли миллат вакиллари орасида оммабоп бўлган грек тили тўгараги, миллий чолғу асбоби — бузуки ва гитара тўгараги, грек таомлари тўгараги, Ўзбекистоннинг машҳур рассоми Янис Салпинкиди ва унинг шогирдлари раҳнамолигидаги рассомчилик тўгараги, “Сиртаки” рақс ансамбли фаолият қўрсатиб келмоқда. Бу ансамбль репертуарида грекча рақслар — сиртаки, коломатианос, коччари, зимбекико ҳамда дунё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг миллий рақслари мавжуд. Грек театри ва “Бузуки” рақс ансамбли, миллий бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд бўлган. 1970 йилларнинг иккинчи ярмига келиб, 21 нафар грек ўқитувчиси олий ўқув юртларини тугатиб, мактабларда грек тилидан дарс бердилар. Фақат 1975-1976 йилларда олий ўқув юртларини 103 киши, ўрта маҳсус ўқув юртларини 83 киши тугатди. 1980-йилларнинг

охирида 100 дан ортиқ киши номзодлик диссертациясини, 7 киши докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Грек маданий маркази ҳақида сўз борар экан, грек диаспорасининг қарорига кўра, 1964 йили Тошкентда ташкил қилинган “Грек сиёсий муҳожирлари” жамияти 1997 йил 4 март куни Тошкент шаҳар “Грек маданияти жамиятига” ўзгартирилган. 2020 йилдан бу жамият Константинос Политис раҳбарлигига фаолият олиб бормоқда. Жамият ҳаётида айрим ислоҳотлар ўтказилди. Бу жамият Республика миқёсидаги «Грек маданий маркази» (ГММ) га айлантирилди.. Грек маданий маркази бошқа миллий маданий марказлар билан бирга Ўзбекистон ва Греция Мустақиллик кунлари, “Охи!” (“фашизмга йўл йўқ!”) куни, православларнинг Пасха ва Рождество байрамларини нишонлайди. Диаспоранинг энг кекса вакиллари ва оқосоқоллари билан учрашувлар доим қизиқарли ўтади, улар ўзларининг шонли меҳнат йўллари, Мирзачўлни ўзлаштириш, “Пахтакор” марказий ўйингоҳи, “Чилонзор” туаржой массиви қурилишидаги иштирокчилари ҳақида фахрланиб сўзлаб берадилар.

Ўзбек халқи томонидан ўзларининг меҳнатларига берилган юксак баҳо билан фахрланган ҳолда, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва қардошларча ёрдами учун миннатдорчилик билдирадилар. Халқ орасида эллинларнинг оташин қалбли авлодлари клуби деб таърифланувчи ва ўзбекистонлик грекларнинг фахри ҳисобланган Грек маданий марказининг фидокорона меҳнати — диаспора маданий меросининг авайлаб сақланиши ва эъзозланишининг ёрқин намунасидир.

Хулоса қилиб айтганда азалдан кўп миллатли бўлган Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик таъминланиб келинган, бунга бир томондан маҳаллий аҳолининг бағрикенглиги ва иккинчи томондан ўзбек давлатчилигига миллий масалаларга алоҳида эътибор бергани асос бўлиб келган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Муртазаева Р.Х. Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале XXI веков: исторические события и новые тенденции. - Германия: Lambert, 2015.
2. Р.Хомитов Ўзбекистонда миллатлараро барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсати (1991-2020 йй.) ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ 3 (11).2020.
3. R.Kh.Khomitov Strengthening cooperation between Uzbekistan and Latvia, Lithuania and Estonia (1991-2015) Theoretical & Applied Science, 201-204
4. Ата-Мирзаев О, Гентшке В., Муртазаева Р., Солиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. - Ташкент: Университет, 2002.